



ТОШКЕНТ ХАЛҚИ ҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

2007 йил
27 июнь
ЧОРШАНБА
№ 52
(11.959)

Бугун – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун



ҚИБРАЙДА ЎТГАН БИР КУН

Хар бир касб инсон ақл-заковати, идрок ва қобилиятнинг ифодаси бўлиб, шу инсон манфаатларига, унинг турмушини гузаллаштиришга, юрт шаъни-шавкати кўтаришга хизмат қилади. Лекин шундай касблар борки, ҳамиша янгиланишга, такомиллашувга мойил бу дунёда уларнинг ўрни ва аҳамияти алоҳида. Чунончи, матбуот, радио, телевидение, кишилар онгу шуурига, хатти-ҳаракатига муайян таъсир кўрсатувчи бошқа замонавий ахборот мажмуаларида шундай касб эгалари меҳнат қиладилар.

Ҳақиқатнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий салоҳиятини кўтариш, ислохотлар муваффақиятини таъминлаш, янги инсонни камолга етказишга уларнинг ижодий излашлари кўрсаткичлар таъсир кучи низоҳатда катта.


Мустақиллик йилларида бу соҳани ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини энг замонавий технологиялар асосида янгиллаш ва мустахкамлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланганлигининг боиси ана шунда. Зеро, ҳозирги пайтда турли тоифа кўчалар ўртасида инсонларнинг дунёқараши, уларнинг онги ва идрок хатти-ҳаракати учун мислсиз мафкуравий кураш авж олиб кетди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари ана шу жараённинг олдинги сафларида боришмоқда. Журналистлар, бар-

ча ижодкорлар айрим ахборот хуружларига қарши ҳолис ва тобора дадил, асосли чиқишлар қилмоқдалар, турли мафкуравий таҳовузларга муносиб зарба бермоқдалар.

Вилоятимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз касб байрамларини нишонлаш учун Қибрай туманидаги сўлим гўшларнинг бири – «Нуронийлар оромгоҳи»га тўпланишди. Давраларда умрини шу шарафли касбга бағишлаган устоз ижодкорлар, ўз билим ва малакаси билан ҳақиқатдаги мафкуравий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий янгиланиш жараёнларига хизмат қилишга бел боғлаган ўрта бўғин вакиллари, ўткир қалами ва жўшқин овози билан бу соҳага дадил кириб келаётган ёшлар ўтиришибди. Байрам ўзига муносиб тарзда кўнглили, самимий,

шод-хуррам ўтиши учун вилоят ҳокимлиги катта куч-ғайрат сарфлаганлиги шаҳар ва туманлардан йигилган ижодкорларни, матбаа ходимларини қўтиб олиш пайтидаёқ кўзга ташланди. Йигилганларни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов, ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Акбарова касб байрамлари билан қизгин ва самимий қўлаб, янги-янги ижодий муваффақиятлар тилашди.

– Мустақил Ўзбекистонимизда бу йил ўн бешинчи мартаба нишонланаётган серкйрра ижод аҳлининг байрами мамлакатда демократик жараёнлар кенг қўлаб касб этиб, ҳақиқатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётида йил сайин улкан салоҳиятга эга бўлиб бораётган бир шароитда ўтаётганлигини мамнуният билан қайд қилмоқчиман, – деди вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов. – Президентимизнинг матбуотни «тўрттинчи ҳокимият» даражасига кўтариш, уни ҳалқимизнинг очик ва ҳолис минбарига айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида кейинги икки йил мобайнида мамлакатимизда оммавий ахбо-



рот воситалари бир ярим баробар кўпайди. Бугун вилоятимизнинг ўзид 43 та газета чоп этилмоқда, 6 та телерадиоканал ва 50 га яқин матбаа корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган вилоят танлови якунлари эълон қилинди. Қолибларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрликлари, дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Юсак оммавийликка эришганлиги учун Тошкент туманининг

«Истиқлол нури», фермер хўжаликлари фаолиятини изчил ёритганлиги учун «Покент ҳаёти», энг яхши дизайн-беага учун «Қибрай садоси» ва «Оҳангарон ҳаёти» – «Жизнь Ахангарана», байналминнал тарбия мавзусини таъсирчан ёритгани учун «Бекобод ишчиси» ва «Рабочий Бекабада»

(Давоми 3-бетда).

СУРАТЛАРДА:

байрам шодийналари лавзалари.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

УНИВЕРСИАДА МАШЪАЛАСИ АНДИЖОНГА ЙЎЛ ОЛАДИ

Пойтахтда ўтказилган «Универсиада-2007» мусобақалари нафақат спорт байрами балки ёшлик,

гўзаллик, маҳорат, матонат ҳамда меҳр-оқибат тантанаси сифатида эътироф этилди.



Хар бир воқеанинг ибтидоси ҳамда интиҳоси бўлади. Шунга кўра, мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари ўртасида зўр завқ-шавқ билан бошланган «Универсиада» спорт мусобақалари ҳам поёнига етди. Аҳамиятли томони шундаки, тўрт кун давомида қанчадан-қанча спорт юлдузлари кашф этилди, уларнинг номи спорт жамоатчилиги олдида баралла янгради. Терма жамоалар ўзларининг нимага қодир эканликларини яна бир қарра синодан ўтказишди. Қолаверса, жойларда мутасадди ташкилотларнинг спортга эътибори имтиҳон қилинди.

– Бу йилги «Универсиада» мамлакатимизда уч босқичли тизимнинг нақадар муҳим мезон эканли-

гини кўрсатди, – дейди мусобақалар бош ҳаками, халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла Очилов. – Энг асосийси, «Универсиада» майдонлари ўзбек фарзандларини тўғридан-тўғри Олимпиада уйинла-

рига учирма қилмоқда. Ўз ўрнида спортчиларимиз жаҳон ареналаридан юзимишни ёруғ қилиб қайтишаётир. «Универсиада»нинг асл мақсади ҳам мана шунда.

Эътиборли жиҳати шундаки, хар бир спорт беллашуви халқроқ мезонлардан қилиб чиққан ҳолда Олимпия уйинлари тизими асосида ташкил этилди. Низомига биноан унда республикамизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг 14 та терма жамоалари иштирок этди. Финал босқичда жами 1946 нафар спортчи-талаба 12 та спорт тури бўйича ўзаро куч синашди.

(Давоми 4-бетда).

Болалар спорти

ЧЕМПИОНЛИК САРИ ИЛК ОДИМ

Янгийўл туманидаги «Кичкинтой» мактаб-гача таълим муассасасида шахмат бўйича вилоят турнири бўлиб ўтди. Иккинчи марта ўтказилаётган бу мусобақадан мақсад мактабгача ёшдаги болаларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш, улар ўртасида шахматни оммалаштиришдир.

Унда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан 7 ёшгача бўлган жажжи ўғил-қизлар донда суришди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Ёшлик» кўнглили спорт жамияти мусобақани ўтказишда ташкилотчилик ва ҳоимийлик қилди.

– Ҳозир бизда 140 нафар болажон тарбияланмоқда, – дейди муассаса раҳбари Мухай Шаробоева. – Улар, асосан, спорт, экологик тарбия ҳамда тил ўрганиш йўналишлари бўйича таълим олишади. Кичкинтойларимизда футбол, миллий кураш, шахмат-шашка қизиқиш катта. Шу сабабли республика ва вилоят миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда фахри ўринларини эгаллаб келмоқдамиз.

Яқуний натижаларга кўра, қизлар ўртасида Умида Тастанова (Янгийўл тумани), Виктория Михайлова (Янгийўл шаҳри) ҳамда Моҳира Қўчқорова (Тошкент тумани) фахри ўринларини эгаллашди. Ўғил болалардан Бехозд Ҳамзаев (Оқўрғон тумани), Мирқобил Қўчқоров (Ангрен шаҳри), Жавлон Абдумаликов (Бекобод тумани) ҳамда Жасур Зикиров (Зангиота тумани) бошқаларга нисбатан ўз устуникларини намоиш этишди. Биринчи ўринни эгаллаган кичкинтойлар мусобақанинг республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Хуррият МҲМИНОВА.

Ўзбекистон

Республикаси

Олий Мажлиси

Сенати ўнинчи

ялпи мажлисининг

очирилиши

тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2007 йил 29 июнь кун

Ўзбекистон

Республикаси

Олий Мажлиси

Сенатининг

аззолари

диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аzzолари 2007 йил 28 июнь кун

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мазкур кўмита раиси Х. Дўстмуҳамедов бошқарган йиғилишда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, республика, вилоят, туман ва шаҳарлар оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирок этди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун арафасида ўтган ушбу тадбирда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросига оид ишлар қўламини янада кенгайтириш ва ушбу мавзуда тайёрланаётган материалларнинг сифат ва савиясини юксалтириш борасида фикр алмашилди.

У.А.

«Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳамкорлигида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан «Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусида учрашув ўтказилди.

ҲОЛИБЛАР УЧУН МУНОСИБ СОВРИНЛАР

Тадбирда атроф-муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазасининг муҳим масалалари, экологик муаммолар, аҳолининг экологик билим ва маданиятини юксалтириш, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни тарғиб қилиш ҳамда кенг жамоатчиликни атроф-муҳит муҳофазасига жалб этишда оммавий ахборот воситаларининг роли борасида фикр алмашилди.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ижтимоий ва экологик масалаларнинг ўзаро боғлиқлигини мунтазам ёритиш, атроф-муҳит муҳофазаси, аҳолининг ижтимоий – экологик фаолиятини ошириш ҳамда экологик носоз минтақаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолиси ва ижтимоий объектларига ёрдам кўрсатишни янада кучайтириш мақсадида «Матбуот, радио ва телевидениеда ҳамда электрон ОАВ саҳифаларида ёритилган энг яхши журналистик иш» республика танловини эълон қилган эди.

Тадбирда ана шу танловнинг якунлари эълон қилиниб,

ҲОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ.

Андижон вилоятидан «Ёлду», Қорақалпоғистон Республикасидан «Ҳожейли ҳақиқати», Қашқадарё вилоятидан «Қашқадарё», Сурхондарё вилоятидан «Маънавият гулшани», Фарғона вилоятидан «Ёзёвон», «Марказий Фарғона», шунингдек, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарида экология мавзуси изчил ёритилаётганлигига алоҳида урғу берилди.

Экологик мавзуда фаол қалам тебратётган бир қатор журналистларга касб байрами муносабати билан «Экосан» ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, «COSCOM», «Атроф-муҳит ва соғлом ҳаёт», «Логос» каби ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Мукофотланганлар орасида «Ташкентская правда» газетаси бўлим мудири Валентин Вильчик ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳбири Хурида Назарова ҳам бор.

Ўз муҳбиримиз.

Жаҳолатга қарши маърифат билан

ЯНГИЙЎЛДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Янгийўл шаҳридаги Марказий ўйингоҳда «Ёшлар – гиёҳвандликка қарши» шиори остида вилоят ёшларининг фестивали бўлиб ўтди.

Унда уч минг нафардан зиёд йигит-қизлар қатнашиб, ўрта махсус ўқув юртлари ва касб-хунар коллежлари талабалари, мактаб ўқувчи ёшлари гиёҳвандликнинг умумбашарият тақдирига солаётган таҳдиди, шунингдек, «ажал оғуси»нинг оммалашуви-га қарши нафрат билан қарашларни намоиш этишди. Тадбир вилоят

ҳокимлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-хунар ва халқ таълими, соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Қизил Ярим Ой жамияти, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, вилоят ОИТС маркази ҳамда «Тасвирий ойна»



ижодий уюшмасининг вилоят бўлимлари томонидан ташкил этилди.

Майдон узра Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграб, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раисаси Фарида Акбарова барча иштирокчиларга муваффақият тилаб, ёшларни ҳушёрликка, огоҳликка қорлади.

Тадбир давомида коллеж ва умумтаълим мактаблари ёш истеъдодли мусаввирларининг гиёҳвандлик мавзусидаги таъ-

сирчан рисолалари, турли декоратив ишланмалари асосида кўргазмалар ташкил этилди.

Кўтаринки руҳда ўтган ёшлар фестивали вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этмоқда.

Хасанбой САБДУЛЛАЕВ,

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТЛАРДА:

ёшлар фестивалидан лавзалари.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ЯНГИ ЛИНИЯ ИШГА ТУШДИ

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли умумий овқатланиш корхонасида комбинат ташаббуси билан 5 турдаги яхна ичимликлар ишлаб чиқарувчи линия ишга туширилди.

Корхонада сувни қайта филтрдан ўтказишга алоҳида эътибор қaratилган. Линия соатиға 600 литргача ичимлик тайёрлаш қувватига эга. Унинг сифати давлат андозалари талабларига мос.

Ибодилла МҲМИНОВ.

МИНГ МЕТР

МАСОФАГА

Енгил атлетика бўйича олимпиада аёллар ўртасида ўтказилган мусобақада шаҳардаги полилиника ҳамшираси Хурида Турсункулова ғолиб бўлди.

– Спорт менинг ҳаётим, – дейди Хурида. – Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ташаббуси билан ўтадиган спорт мусобақаларида кўп марта иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаганман. Айни вақтда республикамиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб шаҳар корхоналари ва муассасалари ўртасида ўтказилаётган мусобақага тайёргарлик қўраялман. Мунаввара ИСОКУЛОВА.

Қарор Ва ижро

ЭКИНИНГИЗ СУФУРТАЛАНГАНМИ?

Жамиятимиз ҳаётида суғурта компанияларининг роли тобора ошмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелда қабул қилинган "Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорлари муҳим дастуриламал бўлаётир.

Кўрсатилаётган алоҳида эътибор юртимизда суғурта соҳасини эркинлаштириш, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга сифатли ва ишончли суғурта хизмати кўрсатиш самарадорлигини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Ҳозир мамлакатимизда 26 суғурта компанияси фаолият юритмоқда. Шулардан бири – "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган ушбу компания

маҳсулот етиштирувчилар билан мустахкам ҳамкорлик ўрнатган.

Компаниямиз умумий суғурта тармоғининг барча турлари бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга, – деди "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси раиси ўринбосари Нуриддин Муродуллоев. – Бунда хорижий илғор тажрибасини юртимиз шaroитида оқилона қўллашга эътибор қаратаёلمиз.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хиз-

мат кўрсатиш тармоқлари ва сервисни ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирларига оид қарори асосида тизимда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ҳамда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган суғурта хизматининг сифатини янада яхшилаш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга қўра, мамлакатимиз аҳолиси, корхона ва ташкилотлар, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга сифатли суғурта хизмати кўрсатишмоқда.

Жорий йилда компаниямиз суғурта хизмат турлари бўйича қарийб саккиз юз қирқ мингта шартнома тузиб, 398,8 миллиард сўмлик суғурта жавобгарлигини ўз зиммасига олди.

Мамлакатимиз фермер хўжалиқларининг барча турдаги экинлари ҳосилини ва мол-мулкларини ёппасига суғурталаш ишлари

давом этмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли ва фермер хўжалиқларининг чорва молларини турли табиий офатлар, касалликлар ва бошқа ҳодисалар натижасида нобуд бўлишидан ёки мажбурий сўйилишидан суғуртавий химоялаш мақсадида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан кенг ҳамкорлик йўли қўйилди. Натижада чорва моллари ҳамда уй паррандаларини суғурталаш юзасидан 32 мингдан ортиқ шартнома имзоланди.

Ортодошларимизнинг компаниямизга ишончи ортмоқда. Чунки, табиий офатдан зарар кўрган ёки чорва молларининг касалликка ча-

линишидан зиён кўрган кишилар ихтиёрий суғурта қилган бўлса, зарар тўлиқ қопланмоқда. Масалан, жорий йилда фермер хўжалиқларига ноқулай об-ҳаво сабабли пахта, галла ҳосили ва чигитни қайта экани учун 452,9 миллион, бошқа экинлар ҳосили учун қарийб етти миллион сўм маблағ тўланди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги хайвонлари суғуртаси учун 29,8 миллион ва қишлоқ хўжалиги таваккалчиликлари борасида 702,8 миллион сўм тоvon пули ажратилди. Ўтган даврда компаниямиз ўз мажбуриятларига биноан жами 929,3 миллион сўм миқдорида суғурта товони тўлади.

Фермер хўжалиқлари ва "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси ўртасида ишончли ҳамкорлик йилдан йилга мустахкамланмоқда. Эндиликда ҳар бир хўжалик раҳбари вақтида суғурта хизматидан фойдаланса, қўлланмаган ҳодисалардан қўриши мумкин бўлган зиёни суғурта орқали бартараф этиш мумкинлигини яхши билади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

Ўқув машқлари

ХАВФЛИ КАСАЛЛИККА – ИШОНЧЛИ ТЎСИҚ

Муҳофаза – ҳамиша давлат эътиборидаги масала бўлиб келган. Айниқса фуқароларнинг соғлигини химоя қилиш, уларнинг тиббий соҳага оид билимларини такомиллаштириб бориш ҳамма замонларда ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолаверади.

Ёз мавсуми бошланиб, инсон саломатлигига хавф солувчи омиллар пайдо бўлмоқда. Масалан, қўшни давлатлардан эпидемик ва эпизоотик касалликларнинг чегара орқали кириб келиши билан боғлиқ хавфли олайлик. Хўш, ундан химоялаш ва олдини олиш бўйича соҳа мутахассислари қандай тадбирларни амалга оширишмоқда? Тошкент вилояти чегара ҳудудлари орқали эпидемик ва эпизоотик касалликлар кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус тактик ўқув машқи «Ғишт-кўприк» божхона комплексида бўлиб ўтди. Бу касаллик ҳозирги кунда Осиё, Африка, Жанубий Америка мамлакатлари, Буюк Британия, бир қатор Европа давлатлари, шўжумладан МДХда ҳам қайт қилинган.

Энг аввало, чегарадан ўтиш постларида ветеринария хизмати томонидан дезүсикларда дезинфекция воситалари захиралари ташкил этилиб, чорва моллари, гўшт ва сут маҳсулотларини олиб ўтиш тақиқлаб қўйилди. Транспорт воситаларининг дезүсиклардан ўтказилиши каттик назоратга олинди.

Шундан сўнг, қўшни Қозғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кираётган фуқаролар текширувдан ўтказилди ва олиб келинаётган гўшт ва сутнинг сифат даражасини белгилувчи тегишли ҳужжатлар бўлмаганлиги са-

бабли маҳсулотлар қайтариб юборилди. Махсус тактик машқнинг ҳар бир босқичи юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга, шундай вазиятларда фуқароларнинг ҳушёрлигини оширишга хизмат қилди. Юқумли касалликларнинг чегара орқали мамлакат ҳудудига кирганлиги аниқлангач, албатта беморлар алоҳида назоратга олинди, атрофдаги одамлардан ажратилади.

Ўтказилган тадбир давомида Тошкент туманидаги касалхонада оқсил касаллиги билан келган беморларга қандай ёрдам кўрсатилиши бўйича кўргазмалар тушутириш ишлари олиб борилди. Ўқув машқининг тўртинчи машқ нуктаси эътиб туман ветеринария хизмати танланди. Сабаби айнан касалланган чорва моллари хонадон соҳибларига, қолаверса, барча инсонларга катта хавф тугдиради. Уларни ўз вақтида эмлаш, профилактика ишларини ўтказиб бориш юзасидан ҳам тушунтириш ишлари бажарилди. Бўлиб ўтган махсус тактик ўқув машқи оқсил касаллигининг олдини олиш, айниқса эпидемик ва эпизоотик касалликларнинг мамлакатимиз чегара ҳудудлари орқали кириб келиши ва тарқалишини бартараф этишга хизмат қилди.

Умида ХАСАНОВА,
вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ахборот гуруҳининг етакчи мутахассиси.

Орамиздаги одамлар

ЭЗГУЛИКНИНГ ЭРТАСИ НУРЛИ БЎЛАДИ



Халқ хизматига камарбаста бўлган, одамлар меҳрини қозongan инсонларнинг орамизда кўп эканлигидан қувонамиз, уларга ҳавас қиламиз, эргашамиз. Яхшиликларни кўнглига туққан инсонлардан бири Худойберди Айтбековни Қўйчиқчиқ туманида ҳамма эъзозлаб, устоз дея ҳурмат қилади.

Ха, одамлар орасида илм уруғини сочиш, ортдан эзгу ном қолдириш ҳаммининг ҳам қўлидан келар-майди. Яхши ишларни ўзига эш билган Х. Айтбеков буни ушалади. Бугун у тўққиз фарзанднинг отаси, ўн олти набиранинг бобоси бўлсада, ҳамон ёшларга хос шиқоат ва ғайрат билан ашмоқда. Болаларни жонун дилидан яхши кўргани учун хали ҳам мактаб ишларига бош-қош, шу илм дароғининг раҳбари, жонқури.

Илгирларини таъмирталаб бўлган 48-ўрта умумтаълим мактаби Худойберди аканинг саъй-ҳаракатлари билан бугун қайта таъмирланди, – дейди ушбу мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Умида Қодирова. – Бу ерда болажонлар учун спорт иншооти ишга туширилди, мактаб тарихи музейи ташкил қилинди. Дарахт екиш, қўнат ўтказиш халқимизга хос одат. Устозимизнинг ташаббуслари билан мактаб ҳовлиси мевозор богга айланди, 10 минг тўндан ортиқ терак қўчатлари экилди. Ҳозирги кунда ушбу мактабнинг вилоят миқёсида энг илғор илм масканлари қаторидан ўрин олишида ҳам Худойберди аканинг ҳиссаси катта.

Болалар билан ишлаш маҳоратини биз улардан ўрганимиз, – дейди халқ маорифи аълочиси Людмила Ли. – У киши бизга доим: «Қачонки касбни севсангиз ва унга бутун

меҳрингизни берсангизгина келгусида, албатта, ниятингиз амалга ошади» дея уқтириб келганлар. Улардан ибрат олиб кам бўлмадим. Юксак унвонга сазовор бўлдим. Максадим – у кишининг йўлидан бориш.

Хар доим эл хизматига камарбаста бўлган инсоннинг ҳар бир кўни шу одамлар билан бирга ўтади. Уларнинг қувончу ташвишларига ҳамнафас яшаётган устоз педагог маҳалла ишларига ҳам доимо бош-қош. Маҳалладошларининг оғирини енгил қилиш, одамларга кўмакдош бўлиш унинг азалий ҳислати.

Маҳалламиздаги шифохона биносини таъмирлаш, унинг ҳудудини обodonлаштиришда устознинг ҳам ҳиссаси бор, – дейди Беруний номли маҳалла кўмитаси раиси Эгам Маманазаров. – Маҳалламизда Худойберди ака сингари инсонлар борлигидан бошимиз осмонда. Қўни-қўшни, маҳалла-қўйга йўл-йўрик кўрсатадиган, барчага бирдек қайишадиган бундай кексалар орамизда бор экан, яхшилик тўғрисида қалбдан-қалбга қўйиб юраверди.

Соҳибжон САЛИМОВ.



ҲОСИЛ БАРАКАСИ ҲАРАКАТДАН

Бўқалик фермер Шоҳида Азизова раҳбарлик қилаётган хўжалик тумандаги Барот Умаров номли фермер хўжалиқлари уюшмаси заминидан. Бир вақтлар бу ерларда пахта ва бўғдой ҳосилдорлиги кескин камайиб кетган, оддий қишлоқ меҳнаткашларининг иқтисодий манфаатдорлиги ҳам шунга яраша эди.

Эндиликда миришкор деҳқон суғурта фермер атрофда жипслашиб, ҳар қарч ердан барака ундиратирилди. Улар меҳнати айниқса, бу йилги галла мавсумида

қўтилгандан ҳам зиёда самара берди. Улар давлат эътиёжлари учун 54,4 тонна сара дон етказиб бериб, туманда илғорлар сафидан жой олдилар.

– Ҳосилимиз мўл бўлди, – дейди фермер Ш. Азизова. – Шу боис, буюртмага қўшимча салкам 30 тонна галла бердик. Дониимизнинг яна анчагина қисми аъзоларимизга қолди.

СУРАТДА:
Фермер Шоҳида Азизова ўрним пайтида.
Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

Сўранг, жавоб берамиз

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Дўқондан музлаткич харид қилгани боран эдим. Ташлаганимдан сўнг, ишлатиб кўриш жараёнида сал ноборкор қилишга сўзидим ва мутахассисларга кўрсатиш учун сотувчидан рухсат беришини сўрадим. Лекин у бунга қаршилик кўрсатди. Унинг бу ҳаракатини қандай иттиҳом қилиш?

Нортой Бердиқулов, Чиноз тумани.

Саволга Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамияти Тошкент вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Гўлчехра Аббосова жавоб беради.

Истеъмолчининг савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари соҳасида шартнома тузиш ҳамда сотиб олинаётган товар (иш, хизмат) сифатини текшириш ҳуқуқи

Истеъмолчи шартнома тузиш йўли билан товарни (иш, хизматни) эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу шартномага қўра сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмолчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топши-

ладиган маълумот тегишли шартномани тузиш учун тақлиф деб ҳисобланади.

Томонлар ўртасида шартнома нарсаси, миқдор, нарх ва бошқа муҳим шартлар тўғрисида келишувга эришилса, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасида шартнома тузилган деб ҳисобланади.

Тузилган шартнома, қандай тартиқда, оғзаки шаклда тузилади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолда эъти-

лар бундан мустасно. Тузилган вақтдан бошқа пайтда (олдиндан бериладиган буюртмалар бўйича, жўнатма савдо ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома ёзма шаклда тузилади.

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вази ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдоларига таклиф этади.

I. Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

№	Автотранспорт воситаси русуми	Асосий техник тасвифи	Бошлангич баҳоси	Сақланаётган манзили	Ижро ҳужжати санаси ва рақами
Оққўрғон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган					
1	"Нексия" русумли, давлат рақами 10 AP 499	2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз	1 271 000	Оққўрғон тум., Озод ш/х, Олтовул участкаси	Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 22 ноябрдаги 11-0615/9428-сонли ижро варақаси

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 31 июль ва 7, 14, 21, 28 август кунлари соат 11.00 да, ушбу автотранспорт воситаси сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари аукцион савдоларига тақдоран қўйилмоқда					
2	"Дамас" русумли, давлат рақами 11 J 9350	2000 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз	6 940 890	Бекобод шаҳри, "Бекободсавдо" омборхонаси	ФИБ Тошкент вилояти Урточир-чиқ туманлараро судининг 2006 йил 9 августдаги ижро варақаси
3	"Опель омега" русумли, давлат рақами 11 U 0107	1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз	5 897 400		

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 17, 24, 31 июль ва 7, 14 август кунлари соат 11.00 да, ушбу кўчмас мулк объектлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Юқоридagi автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг Шайхонтохур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Муурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй. Телефонлар: 228-79-52, 228-84-48.

II. Дикқат тўлатиш: "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2007 йил 13 июндаги 48 (11.955) сонидан чоп этилган хабарномадаги 3 ва 4 тартиб рақамда жойлашган:

1) – Тошкент тумани ЖИБ бўйича суднинг 2007 йил 18 сентябрдаги 401-сонли ижро варақаси жумласи қуйидагича ўқилин:

– Тошкент тумани ЖИБ бўйича суднинг 2006 йил 18 сентябрдаги 401-сонли ижро варақаси.

2) – Тошкент тумани ЖИБ бўйича суднинг 2007 йил 15 сентябрдаги 496-сонли ижро варақаси жумласи қуйидагича ўқилин:

– Тошкент тумани ЖИБ бўйича суднинг 2006 йил 15 сентябрдаги 496-сонли ижро варақаси.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ "ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ" ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ қуйидаги объектга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

"Тошкент-Ўнқўрғон н.-Ёнарик к." М-39 а/й (808) 4К700 автомобиль йўли ва Бўзсув дарёси устидаги кўприкни капитал таъмирлаш.

Таъмирлаш муддати 7,1 ой.

Қурилиш ишлари Молия вазирлиги қошидаги Давлат йўл жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси – Тошкент вилояти "Тошконсалтингстройторг" давлат унитар корхонаси.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 75-уй. Телефон/факс: (8371) 361-37-11.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: биринчи навбатда танлов савдоларида қатнашиш учун пудрат ташкилотларида ушбу объектда талаб қилинган ишларни бажариш учун лицензияга эга бўлишлари ва танлов савдолари предмет қийматининг камидан 20 фоизи миқдориди айланима маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлиги бўйича тажриба ва қўнималарга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Тошкент вилоятининг "Тошконсалтингстройторг" давлат унитар корхонасининг қуйидаги манзилига муурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 76-уй. Тел/факс: 55-46-17.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 70 000 (етмиш минг) сўм.

Тақлифлар (офертлар)нинг савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати офертлар очилиш куни ва соатига.

Тақлифлар (офертлар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Тошкент вилояти ҳоқимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

ҲАЙДОВЧИ ВА ЙЎЛОВЧИ МАДАНИЯТИ

Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамаси фармойишига мувофиқ ўтказиладиган Ҳаракат хавфсизлиги ойлги давом этмоқда. Тадбирдан кўзланган мақсад – йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Тошкент вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан олинган маълумотга қўра, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Гавжум, серкатнов йўллар аҳволи яна бир бор урганиб чиқилмоқда. Аниқланган камчиликлар зудлик билан бартараф этилаётир.

Шунингдек, транспорт воситаларининг техник ҳолати талаб даражасида бўлишини таъминлаш, ўқувчилар ёзда ҳордик чиқарадиган оромтоҳларда, ҳайдовчилар тайёрлаш курсларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш ва ўргатиш ишларини янада яхшилаш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Ойлик қўтилган самарани бериш учун ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жазолаш ёки жарима солиш билан мақсадга эришиб бўлмаслигини, бунга йўловчи ва ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини юксалтириш орқали эришиш мумкинлигини фуқаролар онгига синдириш лозим.

Ана шу мақсадда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳалларда, ўқув юрталарида, аҳоли гавжум жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориламоқда.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА муҳбири.

Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

ҚИБРАЙДА ЎТГАН БИР КУН

газеталарининг ижодий жамоалари тақдирландилар. «За цветные металлы» — «ОТМК ҳаёти» кўпнұсхали газетаси тахририяти кўпмиллатли меҳнат жамоаси ҳаёти таъсирчан ёритиш, илгор тажриба ва янги технологияларни тарғиб этиш борасидаги фаолияти учун мукофотланди.

Кейинги йилларда шахар ва туман босмаҳоналарида янги технологияларнинг жорий этилиши матбаа маҳсулотларининг яхшиланиши, шу жумладан, маҳаллий газеталарнинг полиграфик ижро сифати кўтарилишига олиб келди. Йиғилишда энг изланувчан босмаҳоналар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг меҳнат жамоалари ҳам дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Вилоят, шахар, туман ва кўпнұсхали газеталарида самарали ижод қилаётган бир гуруҳ журналистлар ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Улар қаторида маънавий-ахлоқий мавзудаги мақолалари, хотин-қизлар ҳаракатини ёритишдаги изчил ижодий фаолияти учун «Тошкент ҳақиқати» газетаси маънавият бўлими муҳаррири Сайёра Рихсиева билан газетани безашдаги ижодий изланишлари учун тахририятимиз компьютер марказининг бош оператори Тоҳир Маҳмудхўжаевга ҳам диплом

ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Матбуот соҳасидаги кўпйиллик самарали хизмати учун тақдирланганлар орасида Зангиота туман «Истикбол» газетаси муҳаррирининг ўринбосари Жамила Арсонова сингари истеъдодли журналистларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқа шоирлар иштирокидаги шеърхонлик, Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов, Қибрай туманидан етишиб чиқаётган ёш санъаткорларнинг кўшиқлари даврага бетакор кўнғилхушлик, кўтаринки кайфият бағишлади.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.



ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

Маҳаллий матбуот муаммолари ҳақида гап очилса, кўпинча унинг молиявий аҳволи биринчи ўринда тилга олинади. Лекин ҳаётда бунинг аксини тасдиқловчи тажрибалар ҳам етарли.

Чунончи, «Бекобод ишчиси» ва «Рабочий Бекабада» газеталари бирлашган тахририятида маблағ ишлаб топиш, молиявий аҳволини муттасил яхшилаб бориш, шу асосда ходимларнинг турмушини яхшилаш, тахририятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ибратли ишлар қилинмоқда.

Бекобод шахар газеталари 1998 йилдан бошлаб янгиланган шaroитда чоп этила бошланди. Шаҳар ҳокимлиги ва меҳнат жамоаси муассислигидаги газеталаримизнинг бош хомийлиги «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ўз зиммасига олди. Лекин муҳаррир Валентин Харитонович Пан раҳбарлигида дастлабки кунлардан бошлаб ўз ўзини маблағ билан таъминлашнинг истиқболли дастурини белгилаб олди.

Бугун ходимларимиз ижод билан самарали шуғулланишлари учун барча қулайликларни яратишга эришяётимиз. Жумладан, тахририят Интернетга боғланган. Ўн нуқтали ички телефон станциямиз ходимларга шахар ташкилотларига бемалол чиқиш имконини беради. Рақамли фотоаппарат ва уяли телефондан фойдаланиш борасида ходимларимиз бирор муаммо сезмайдилар.

Тахририятимизда малакали, салоҳиятли ижодкорлардан Наталья Тиргичина, Матлуба Хожимуродова, Тўхтанисо Жўрабекова, Игор Кан ғайрат-шижоат билан баҳамжият меҳнат қилишмоқда.

Абдурахим БОБОНАЗАРОВ, «Бекобод ишчиси» — «Рабочий Бекабада» газеталари муҳаррири ўринбосари.



БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОНА

Халқ дарди билан яшаш, унинг орзу мақсадларини ўйлаб қалам тебратиш, давр билан ҳамқадам ижод қилиш, атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини газетхонларга ҳолисона етказишдек вазифа биз — журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Айни пайтда матбуотнинг инсон манфаатлари ҳимояси, маънавий-маърифий дунёқарабини бойитишдаги роли ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

Шу жиҳатдан олганда «Қибрай садоси» газетаси саҳифаларида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда ислохотларнинг бориши, янги жамият қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз аксини изчил топиб бормоқда. Шунингдек, «Қиб-

рай садоси»нинг бугун 4 мингдан ортиқ доимий муҳлиси борлиги бизни қувонтиради.

Газетада касбига меҳри баланд, фидойи журналистлар меҳнат қилишади. Сўнгги йилларда «Қибрай садоси»нинг қатор кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритишлари замирида ҳам ана шу сифатлар ётган бўлса ажабмас. Газета муҳаррирининг ўринбосари Шоюсуф Мирюсуфзода,

бўлим мудири Гулнора Аҳмедова қаламига мансуб репортаж, очерк, лавҳа, танқидий мақолаларнинг қўлма-қўл ўқилишини эшитганимизда кўнглимиз кўтарилади.

Газетхон эътирофи — журналист ижодида берилган ҳолис баҳо! Энди уни халқаро, Республика танловларидаги эътирофи-чи? Бу йил ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорликда ташкил этган «Унни бойитиш бўйича миллий дастур»нинг матбуот, телевидение ва радиоштитириш соҳасидаги иккинчи миллий мукофо-

ти танловида Гулнора Аҳмедова ва газета жамоасининг фахрли биринчи ўринга лойиқ топишганига ва компьютер билан тақдирланганлиги туман газеталарида ҳам иқтидорли ижодкорлар ишлаётганлигидан дарак бериб турибди.

Хар йили касб байрами-мизда энг яхши ижодкорлар, газетада ишлаб кетган меҳнат фахрийларимиз ва жамоатчи муҳбирларни бир пиёла чойга тақдир этиб, эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар топириши аънамага айланган. Бу йил ҳам ана шу аънамага содиқ қолиш ниятидамыз.

Абдуҳамид ФОЗИЛОВ, «Қибрай садоси» газетаси муҳаррири.

НУФУЗ УЧУН ТЕР ТЎКМОҚ КЕРАК

Ҳаётимизни, аниқроғи жамият тараққиётини матбуотсиз, оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Умида газета ўқимайдиган, телевизор кўрмайдиган, радио эшитмайдиган одам йўқ. Ҳар ким ўзига зарур ахборотларни олади.

Хозирги пайтда шахримизда «Ангрэн ҳақиқати» ва «Довон» газеталари чоп этиляпти. Уларда меҳнат қилаётган ижодкорлар газетани кизиқарли, муҳими таъсирчан чиқариш учун изланиш аётганлигини кўриб, кузатиб турибмиз. Газеталаримизда шахар ҳаёти, ислохотларнинг натижалари, кишилар онгидаги янгилинишлар ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишдаги иштироки муайян даражада ёритиб боришмоқда.

Шу ўринда бир мисол келтирсам. «Довон» газетаси шахримизнинг қоқ ўртасида йигирма гектарга майдонни эгаллаган боғни қаровсиз қолди деб қаттиқ танқид қилиб чиқди. Дарҳақиқат, ангрэнликлар мазза қилиб хордик чиқариши лозим бўлган бу жой чорва моллари учун яйловга айланиб қолган эди. Шаҳар маъмурулари ҳам бунини биллашарди, юракларини ачирди. Аммо ободончилик бўлимини уни эпаккага келтиришга на маблағи ва на кучи етарди. Матбуот эса танқидий мақола уюштириб жамоатчилик эътиборини қаратди. Натижада шахар раҳбарларининг муносабати ангрэнликлар лаббай, деб жавоб беришди.

Хозир боғни чинакам хордик масканга айлантириш учун минглаб хамшарҳарларимиз хашарга чиқиляпти. Режадаги ишларимиз амалга ошса, тез орада боғ энг хушманзара, сўлим гўшага айланади.

Таъкидлаш керак, маҳаллий матбуот нашрларида журналистларнинг жамият ҳаётига чуқурроқ кириб боришаётгани сезиляпти. Аммо кўпгина яхши ишларимиз лозим даражада ёритилмаяпти. Масалан, уй-жой фондиди сақлаш, маҳаллаларни ободонлаштириш бўйича бошлаган тадбирларимиз самараси кўриниб қолди. Бугун даҳаларимиз анча тоза, обод. Кўп қаватли бўш уйларга ҳам аста-секин фойз кирмоқда. Бизда пенсия ва нафақалар, бюджет ташкилотлари ходимларининг маошлари ўз вақтида бериляпти. Журналистлар шулар ҳақида атрофича ёзиши керак. Токи оддий одамлар ҳаммасини билсин ва хулоса чиқарсин. Мен газеталаримизда таҳлилий материаллар кўпроқ чоп этилишини хоҳлардим.

Ангрэн — мамлакатимизнинг йирик ёқилги-энергетика марказларидан бири. Шундан бўлса керак, марказий газеталардан, радио ва телевидениедан мунтазам ташриф буюриб, шахримиз ҳаёти, ютуқларимиз ва муаммоларимиз билан қизиқиб туришади. Дунёқараши кенг, чинакам эйли журналистлар билан суҳбатлашсам мазза қиламан. Ана шундай том маънодаги ижодкорлар тобора кўпайиши тарафдориман.

Улугбек ХОЛДИБЕКОВ, Ангрэн шахар ҳокими ўринбосари вазифасини бажарувчи.



БАМБУҚДАН КОМПЬЮТЕР

Хитойда бамбуқдан тайёрланган портатив компьютер ишлаб чиқарилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. «Huashuo Dianpao» компанияси кашфиёти бўлган ушбу машина экологик жиҳатдан анча хавфсиздир. Статистик маълумотларга

қараганда, Хитойда ҳар йили беш миллиондан ортиқ эскирган компьютер қайта ишланиб, фойдаланишга топширилади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу кўрсаткич яқин беш йил ичида 25-30 фоизга ўсади.

ЯҚИН ШАРҚ САММИТИДА

Мисрнинг Шарм-аш-Шайх шаҳрида Яқин Шарқ саммити очилди. Мамлакат ташки ишлар вазири Аҳмад Абулғайтнинг таъкидлашича, уни ўтказишдан кўзланган мақсад Фаластин билан Исроил ўртасидаги алоқаларни тиклашдан иборат. Анжуманда Яқин Шарқда вазиятни барқарорлашти-

риш чора-тадбирлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

Саммитда Миср президенти Хусний Муборак, Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт, Фаластин раҳбари Маҳмуд Аббас ва Йордания подшоҳи Абдулла Иккинчи иштирок этмоқда.

КИТОБДА ЁЗУВЧИ МАКТУБЛАРИ

Машҳур ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг мактублари ўн икки томли китоб ҳолда нашр қилинади. Бу ҳақда америкалик тадқиқотчи Сандра Спаннер маълум қилди. Унинг сўзларига

кўра, атоқли адиб битган хатлар 2009 йилда босмадан чиқади.

Хабарларга қараганда, тўпламга ёзувчининг етти мингга яқин мактуби кириштилади.

ҲАҚИҚИЙ РОБОТ

Японияда ҳар қандай об-хаво шaroитида мустақил ишлай оладиган робот яратилди. Ундан табиий офатларда қутқарувчи сифатида ва турли оғир ишларда фойдаланиш мумкин.

Хабарларга қараганда, бўйи 160 сантиметр, вазни 68 килограмм ушбу робот 15 миллион иенга (125

миңг АКШ долларига) баҳоланган.

Маълумотларга кўра, «Кавада когио» ва «Кавасаки дзюкогио» компаниялари ҳамда Илгор саноат технологиялари институти мутахассислари 2010 йилда бундай роботни серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида.

«ЎРГИМЧАК ТЎРИ» ШИКАСТЛАНДИ

Кариб денгизида «Арос» — сувости кабелининг шикастланиши оқибатида Лотин Америкасидаги миллионлаб одамлар Интернет тармоғидан узилиб қолди. Колумбия аҳолисининг эллик фоиздан зиёди эса уч кундан буён ушбу «жаҳоний ўргимчак тўри»дан

фойдалана олмаяпти.

«Коламбус нетворкс» компаниясининг маълум қилишича, сувости кабелидаги носозлик июнь ойининг ўзида учинчи марта содир бўлаётди. Айни вақтда «Арос»ни таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

ТЎРТ ЙЎНАЛИШЛИ РЕЖА

Балтика хавзасини муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи Хельсинки комиссияси жорий йилнинг ноябрь ойида Балтика денгизи бўйича стратегик фаолият режасини амалга ошириш ниятида. Бундан кўзланган асосий мақсад денгиз ифлосланишининг олдини олишдан иборат.

Маълумотларга кўра, режа тўрт асосий йўналиш — денгизга зарарли моддаларни оқизиш ва ифлослантиришга қарши кураш, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ҳамда кемалар қатнови хавфсизлигини таъминлашни ўз ичига олади.

ЎЗА.

Олмалиқ саноат касб-хунар коллежининг меҳнат жамоаси ва коллежда таҳсил олаётган бўлғуси касб эгалари

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

муносабати билан Вилоятимизда меҳнат қилаётган журналистларни, барча ижод аҳлини самимий қутлаб, уларнинг оилаларига хотиржамлик, бахт-саодат, ишларига омад тилайди.



«АНГРЕН БОСМАХОНАСИ»

масъулияти чекланган жамияти раҳбарияти

босмаҳона муассислигида нашр қилинаётган «Довон», «Перевал» ижтимоий-иқтисодий газеталарининг ижодкорларини, республикаимиздаги барча журналистларни

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун билан самимий муборакбод этади.

Мамлакатимиз ҳаётига оид воқеликлар ва янгиликларни оммага етказишда уларга сабот ва куч-ғайрат тилайди.

Мустақил давлатимизнинг жаҳон мамлакатлари ўртасидаги обрўси янада ошаверсин. Ошкоралик, демократик тамойиллар тобора юксалаверсин.

